

## ШАРТНОМА № 140/2

(2022-2023 йил киш-бахор мавсуми учун кишлок хўжалик махсулотлари захираси сотиб олиш ҳақида)

14 ноябрь 2022 йил

Бағдод тумани

Икки томонлама ҳужалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи «Chimyon Baraka Savdo Servis» МСНЖ (кейинги уринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари А. Аҳмедов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда уз Низомига асосан фаолият юритувчи Тиббиёт бирлашмаси номидан раҳбари Ж Шерғозиев (келгусида «Харидор» деб аталади) урталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича «Сотувчи» шартноманинг 1.2.бандида кўрсатилган махсулотларни белгиланган муддатларда «Харидор» га сотишни, «Харидор» махсулотни қабул қилишни ва ҳақини ўз вақтида тўлашни ўз зиммасига олади.

1.2. «Сотувчи» жадвалда кўрсатилган куйидаги махсулотларни «Харидор» га сотишни ўз зиммасига олади.

№	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Махсулот қиймати	ККС	Сумма
1	Сабзи	кг	3000	3000	7826086.96	1173913,04	9 000 000
	<b>Жами:</b>				<b>7826086.96</b>	<b>1173913.04</b>	<b>9 000 000</b>

1.3. Шартноманинг умумий баҳоси 9000000 (Тўққиз миллион) сўмни ташкил этди.

### 2. ТАРАФЛАРНИ ХУКУЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

#### 2.1. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

- «Харидор» шартнома шартларини бузган ҳолда махсулотни қабул қилмаса ёки қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортса, «Сотувчи» шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарни қоплашни талаб қилишга;
- «Харидор» томонидан махсулот учун ҳисоб китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганда етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир;
- «Харидор» шартномани 6.2 бандида белгиланган мажбуриятни бажармаса, «Сотувчи» махсулотни ўз ихтиёрига кўра сотиш ва ушбу сотишдан кўрилган зарарни «Харидор» дан талаб қилишга ҳақлидир;

#### 2.2 «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган махсулотни «Харидор» томонидан берилган буюртмада кўрсатилган миқдорда ваа муддатларда омордан берини:(сотиш).
- Етказиб берилётган махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартномага мос келишини таъминлаш;
- Махсулотга тўлов ёки товар транспорт хужжатларини махсулот қабул қилинган куни расмийлаштириб бериш;
- «Сотувчи» махсулотни етказиб беролмай қолган қисминини ушбу ҳолат аниқлангандан кейин 10 кун ичида етказиб бериш лозим;
- Агар «Сотувчи» шартномани 1.2.бандида кўрсатилган мажбуриятларни узрли сабабларга кўра бажара олмаса, 2022йил 30 ноябрьгача «Харидор»га сабабларни тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиш;
- Махсулот сотиш бўйича шартномавий режалар бажарилмаган ҳолатларда, «Харидор»га тўланган маблағлар бўйича қарздорликни қоплаш;

#### 2.3. «Харидор» нинг ҳуқуқлари

Махсулотни сифати ва нави стандартлар, техник шартларга мос келишни «Сотувчи»дан талаб қилиш; «Сотувчи»дан ушбу шартномада кўрсатилган махсулотни буюртмага асосан ўз вақтида ушбу шартномада кўрсатилган манзилгоҳда топширишни талаб қилиш;

Зарур сифатга мувофиқ бўлмаган махсулот етказиб берилганда «Харидор» ўз хоҳишига кўра «Сотувчи»га махсулотни қайтариш;

Зарур сифатидаги махсулотни «Сотувчи» ўз ҳисобидан Харидорга қайта етказиш;

Муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ бўлмаган ҳолда етказиб берилган махсулотни қабул қилишни рад этиш.

«Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни,бой берилган фойдали талаб қилишга ҳақлидир.

#### 2.4. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

а) Махсулот қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддат ва тартибда махсулот учун тегишли ҳақни олдиндан 30% миқдорида тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўзиммасига олади.

### 3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

3.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қураб талаблари. шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

3.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

### 4. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларга мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак;

Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминланса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади:

4.2. Ушбу шартномада кўрсатилган миқдордаги махсулотни қабул қилиш бўйича яқуний ҳужжатлар тузилган сана «Сотувчи» томонидан шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Яқуний ҳисоб китобларни тўлов ҳужжатидаги банк муассасасидаги штампда кўрсатилган сана махсулотга ҳақ тўлаш бўйича «Харидор» томонидан мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. Олинган туркумдаги махсулот учун тегишли бўлган ҳақ «Сотувчи»нинг банк ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг, «Сотувчи» томонидан ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртмада кўрсатилган миқдордаги махсулотни «Харидор»га тегишли юк хати асосида етказиб беради.

4.4. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган миқдордаги махсулот берилган буюртмалар асосида етказиб берилади.

4.5. Махсулотни етказиб бериш учун буюртма тегишли туркумларни етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасидан чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртмани чопар орқали қабул қилишда «Сотувчи»нинг ходими «Харидор»да келадиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилганлиги ҳақида белги қўяди.

«Харидор» илгарин берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд махсулотни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Сотувчи»ни буюртмада кўрсатилган сана бошланишидан камиди 5 кун олдин хабардор қилади.

4.6. «Харидор» махсулотни қабул қилишда, уни сони ва сифатини жойида кўриши шарт, махсулот қабул қилиниб юклашгандан кейин, унинг сақлалишига «Харидор»нинг ўзи жавоб беради.

### 5. МАХСУЛОТ СИФАТИ.

5.1. «Сотувчи» етказиб бериладиган махсулотни сифати ва меъёр талабларига жавоб беришни таъминлайди, махсулотни тегишли сифат сертификатлари билан етказиб беради.

5.2. Махсулотни сотиб олгандан сўнг унинг сифати бўйича жавобгарлик Харидор зиммасига ўтади.

### 6. МАХСУЛОТ БАХОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Махсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

6.2. Махсулот етказиб беришга тайёр бўлганлиги тўғрисида «Сотувчи» «Харидор»ни ёзма равишда хабардор қилгандан сўнг «Харидор» етказиб бериладиган туркум махсулот баҳосини 30% миқдорда олдиндан ҳақини тўлаб беради ва махсулот етказиб берилгандан сўнг 70% миқдорини тўлаб беришни ўз зиммасига олади.

6.3. Агар етказиб берилаётган махсулотга (ҳом ашё, ёрдамчи материаллар, электр энергия, газ ва хоқозо) кетадиган сарф харажатлар нархи ўзгарган ҳолларда, ушбу махсулотнинг нархи ўзгартирилиши мумкин.

### 7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. Томонларнинг мулкий жавобгарликлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

7.2. "Харидор" томонидан "Сотувчи"га берилган йиллик берилган буюртмаларни "Харидор" ушбу шартноманинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ олиши шарт. Акс ҳолда "Харидор"дан Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси

тўғрисида” ги Қонунининг 31-моддасига мувофиқ олинмай қолган (олиш асоссиз рад этилган) “Товар” суммасининг 5 фоизи, тез бузиладиган “Товар”лар бўйича эса 10 фоизи миқдорида жарима ундирилади

7.3. “Сотувчи” томонидан етказиб берилган “Товар” учун тўланиши лозим бўлган тўлов ҳақи “Харидор” томонидан ўз вақтида амалга оширилмаса, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунининг 32-моддасига мувофиқ тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланиши лозим бўлган етказиб берилмаган маҳсулот суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорда “Сотувчи” га пеня тўлайди.

7.4. “Харидор” томонидан “Сотувчи”га йиллик берилган буюртмаларни етказиб беришни “Сотувчи” асоссиз равишда кечиктирса, кечиктирилган ҳар бир кун учун “Сотувчи” “Харидор”га етказиб берилмаган “Товар” умумий қийматининг 0,5 фоизи миқдорида, аммо етказиб берилмаган товар умумий қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

#### 8.ФОРС МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1.Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилила, курғокчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар ва ҳоказо) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажарилганлигини (форс мажор ҳолатини ) исботласа, жавобгар бўлмайди.

#### 9.НИЗОЛАР ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартнома ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади. Агарда келишувга эришилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда “Сотувчи” жойлашган жойдаги хўжалик суд томонидан ҳал қилинади.

#### 10.ШАРТНОМАНИ БОШҚА ШАРТЛАРИ.

10.1.Ушбу шартнома томонлар имзолаган вақтдан бошлаб кучга киради, шартноманинг муддати 2022 йил 31 декабр гача тўла ижро этилгунга қадар амалда бўлади.

10.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда киритилади ва ҳар иккала тарафнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланади. Газначилик бошқармаси (бўлинма) да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

10.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

#### II. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

##### «СОТУВЧИ»

«Chimyon Baraka Savdo Servis» МСНЖ

Фарғона тумани

Х/р: 2020 8000 0048 2265 0001

АТ Ҳамкор банк Фарғона минтақавий филиали

МФО: 0145501111; 301442271

Телефакс(90) 274 01 23



Раҳбар

А.Ахмедов

##### «ХАРИДОР»

Бағдод тумани Тиббиёт бирлашмаси

Бағдод ш. Бирдамлик №12-уй

Ш/р: 100022860302097073101054001

СТИР: 200158873 Оқонх: 91511

Молия Вазирлиги Газначилиги ягона

Газна ҳисоб варағи МФО 00014

Х/Р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент в.ХКММ

Газначилик бўлинмаси СТИРи 201122919



Раҳбар:

Ж.Шергозиев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

HX0571522308

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Tibbiyot birlashmasi bilan "Chimyon Baraka Savdo Servis" MCHJ o'rtasida 9 000 000 (to'qqiz million) so'mlik oziq-ovqat mahsulotlari yetkazib berish haqida

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Bag'dod tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 22.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Bag'dod tuman  
yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi  
bosh yuristkonsulti**



**R.U.UMAROV**

22.11.2022

**188646 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

24.11.2022 11:32

Комиссия раиси:

SHERG'OZIYEV JAMOLIDDIN ABDULAXATOVICH